

# НОГИРОНЛИГИ БЎЛГАН ШАХСЛАР ҲУҚУҚЛАРИ



ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИ БЎЙИЧА  
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МИЛЛИЙ МАРКАЗИ

**НОГИРОНЛИГИ БЎЛГАН ШАХСЛАР  
ҲУҚУҚЛАРИ**  
(ЎҚУВ ҚЎЛЛАНМА)

Тошкент – 2023

УЎК 343.211-056.24(075.8)

КБК 67.404я73

Н 71

**Н 71 Саидов А.Х. Ногиронлиги бўлган шахслар ҳуқуқлари (ўқув қўлланма) – Тошкент: Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази, 2023. – 44 бет.**

ISBN 978-9943-7235-6-6

2006 йилда БМТнинг Ногиронлар ҳуқуқлари тўғрисидаги конвенциясининг қабул қилиниши ногиронлиги бўлган шахсларни қўллаб-қувватлашда халқаро миқёсдаги муҳим воқеа бўлди. Ушбу асосий ҳужжат ногиронларнинг асосий ҳуқуқлари ва эркинликларини мустаҳкамлабгина қолмай, балки жамиятнинг ногиронларга бўлган муносабатини қайта кўриб чиқишга туртки берди. Қўлланмада ушбу Конвенциянинг мазмуни ва асосий қоидалари очиқ берилган бўлиб, Ўзбекистонда ногиронлар ҳуқуқларини амалга оширишнинг қонунчилик асослари тўғрисидаги маълумотлар қамраб олинган.

Ўқув қўлланма талабалар, магистрантлар, аспирантлар, давлат ташкилотлари ва фуқаролик жамияти институтларида ногиронларни ижтимоий ҳимоя қилиш соҳасига ихтисослашган мутахассислар учун мўлжалланган. Инсон ҳуқуқларига риоя қилиш ва уни ҳимоя қилиш соҳасида кадрлар малакасини ошириш бўйича ўқув курсларида ҳам фойдаланиш мумкин.

---

---

## Мундарижа

Кириш .....

**Биринчи бўлим.** Ногиронлар ҳуқуқлари тўғрисидаги  
конвенция ратификацияси ..... 16

**Иккинчи бўлим.** БМТнинг Ногиронлар ҳуқуқлари  
тўғрисидаги конвенцияси – мазмун-моҳияти  
ва асосий қоидалар ..... 16

**Учинчи бўлим.** Ногиронлар ҳуқуқларини таъминлаш:  
миллий ва халқаро ёндашувлардаги ўзаро муштараклик ..... 16

**Тўртинчи бўлим.** Ногиронлар ҳуқуқлари бўйича  
қўмига маърузаларни тақдим қилиш:  
мамлакатлар маърузалари ва муқобил маърузалар ..... 16

---

## КИРИШ

Ўзбекистонда инсон ҳуқуқлари ва манфаатларини ҳар томонлама таъминлашга йўналтирилган ислоҳотлар изчил амалга оширилмоқда. Давлатнинг асосий мақсади мамлакатдаги истиқомат қиладиган ҳар бир инсон миллати, тили ва этниқодидан қатъи назар, эркин, тинч ва хотиржам ҳаёт кечириши ҳамда бугунги ҳаётдан мамнун бўлишидан иборатлиги тан олинган. Инсон қадр-қимматини улуғлаш, унинг ҳуқуқлари ва эркинликларини, қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш мамлакатимизда амалга оширилаётган ислоҳотларнинг устувор йўналишига айланди.

Президентимиз Шавкат Мирзиёев тасдиқлаган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясида белгиланган кенг қамровли ислоҳотлар мантиқий кетма-кетликда ва самарадорлик билан амалга оширилмоқда. Буларнинг барчаси, ўз навбатида, юртимизда инсон қадрини улуғлашга, инсон манфаатларига, шу жумладан, аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламини қўллаб-қувватлашга хизмат қилмоқда.

Айниқса, кам таъминланганлар, ногиронлиги бўлган шахслар, ёшлар, хотин-қизлар ва кексаларни ижтимоий ҳимоя қилиш инсон ҳуқуқлари ва эркинликлари соҳасидаги давлат сиёсатининг устувор йўналиши сифатида белгилангани катта аҳамият касб этади. Ўзбекистонда 2021 йил 7 июнда ратификация қилинган БМТнинг Ногиронлар ҳуқуқлари тўғрисидаги конвенцияси қоидалари изчил амалга оширилмоқда.

Ўзбекистон ратификация қилган мазкур ҳужжат ногиронлик белгиси бўйича камситишни тақиқлаб, тенгликни таъминлаш учун ногиронларнинг эҳтиёжларини оқилона ҳисобга олиш зарурлигини назарда тутган ҳолда, ногиронларнинг ҳаётнинг барча соҳаларида тўлиқ иштирокини таъминлайди. Конвенция ногиронларнинг муаммоларига жамият томонидан ижобий муносабатни рағбатлантириш ва уларни чуқурроқ тушуниш бўйича мажбуриятларни белгилаш билан бирга, ногиронлиги бўлган шахсларга нисбатан турли стереотиплар, нотўғри фикр-мулоҳазалар, зарарли амалиётлар ва хулосаларга асосланган одат ва ҳулқ-атворлардан воз кечади.

Конвенция инсонларнинг турли-туманлиги ва кадр-қиммати принципларини ўзида мужассамлаштирган. Унинг асосий ғояси ногиронлиги бўлган шахслар барча инсон ҳуқуқлари ва эркинликларидан камситишларсиз фойдаланиш имкониятига эга бўлишидан иборат.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 14-моддасига мувофиқ давлат ўз фаолиятини инсон ва жамият фаровонлигини кўзлаб, ижтимоий адолат ва қонунийлик принциплари асосида амалга оширади. Фуқароларнинг ижтимоий ҳимояланганлиги давлат тамаддунининг асосий мезонларидан бири саналади. Асосий Қонуннинг IX боби фуқароларнинг ижтимоий ва иқтисодий ҳуқуқларини белгилайди ҳамда кафолатлайди.

Ўзбекистон Республикасининг ногиронлиги бўлган шахслар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш соҳасидаги давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бири – ногиронлиги бўлган шахсларга Конституцияда назарда тутилган шахсий, иқтисодий, сиёсий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқ ва эркинликларни амалга оширишда халқаро ҳуқуқнинг умумэтироф этилган нормалари ва принциплари, шунингдек Ўзбекистон Республикаси қўшилган халқаро шартномаларга

мувофиқ ҳолда, бошқа фуқаролар билан тенг равишда им-кониятларни таъминлаш ҳисобланади.

Таҳлиллар шуни кўрсатдики, Ўзбекистон Республикасининг 200 дан ортиқ норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари (Конституция, 40 дан ортиқ қонунлар ва 160 дан ортиқ қонуности ҳужжатлари) ногиронлиги бўлган шахслар ҳуқуқларини таъминлаш ҳамда ҳимоя қилиш масалаларини тартибга солмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари, тенглик ва камситмаслик принциплари мустаҳкамланган 18-моддасида шундай дейилади: “Ўзбекистон Республикасида барча фуқаролар бир хил ҳуқуқ ва эркинликларга эга бўлиб, жинси, ирқи, миллати, тили, дини, ижтимоий келиб чиқиши, эътиқоди, шахси ва ижтимоий мавқеидан қатъи назар, қонун олдида тенгдирлар”.

Конституциянинг 39-моддасида “Ҳар ким қариганда, меҳнат лаёқатини йўқотганда, шунингдек боқувчисидан маҳрум бўлганда ва қонунда назарда тутилган бошқа ҳолларда ижтимоий таъминот олиш ҳуқуқига эга” деб белгилаб қўйилган.

Пенсиялар, нафақалар, ижтимоий ёрдамнинг бошқа турлари миқдори расман белгилаб қўйилган, тирикчилик учун зарур энг кам миқдордан оз бўлиши мумкин эмас.

Конституциянинг 45-моддасида: “Вояга етмаганлар, меҳнатга лаёқатсизлар ва ёлғиз кексаларнинг ҳуқуқлари давлат ҳимоясидадир” деб белгиланган.

Хулоса қилиб айтганда, Ногиронлар ҳуқуқлари тўғрисидаги конвенция қоидаларини амалга ошириш натижасида биринчидан, ногиронлиги бўлган шахсларни ижтимоий ҳимоя қилиш тизимини халқаро норма ва стандартларга мувофиқлаштириш, иккинчидан, ногиронлиги бўлган шахсларни ижтимоий ҳимоя қилишни кучайтириш

бўйича халқаро ташкилотларнинг мақсадли ресурсларини жалб қилиш имконини кенгайтириш мумкин бўлади. Шунингдек, ногиронлиги бўлган шахсларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш соҳасида замонавий усуллар ва халқаро стандартларни жорий этиш имкони ортади.



---

## **БИРИНЧИ БЎЛИМ. НОГИРОНЛАР ҲУҚУҚЛАРИ ТЎҒРИСИДАГИ КОНВЕНЦИЯ РАТИФИКАЦИЯСИ**

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев БМТ Бош Ассамблеясининг 75-сессиясида илгари сурган миллий, минтақавий ва халқаро ташаббуслар кенг жамоатчилигимиз ҳамда жаҳон ҳамжамияти томонидан ҳар томонлама қўллаб-қувватланмоқда. Бундай ижобий муносабат, бир томондан, Ўзбекистоннинг давлатимиз раҳбари белгилаб берган миллий тараққиёт йўлидан оғишмай, дадил одимлаётганини тасдиқласа, иккинчи томондан, мамлакатимизнинг халқаро майдондаги ўрни ва нуфузи тобора мустаҳкамланиб бораётганига яна бир ёрқин далилдир.

### **Миллий қонундан – халқаро конвенция сари**

2021 йилнинг 29 май куни бўлиб ўтган Олий Мажлис Сенатининг мажлисида Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази томонидан ишлаб чиқилган “Ногиронлар ҳуқуқлари тўғрисидаги халқаро конвенцияни ратификация қилиш ҳақидаги (Нью-Йорк, 2006 йил 13 декабрь)” Ўзбекистон Республикаси Қонуни лойиҳаси муҳокама этилиб, тасдиқланган.

Президент Шавкат Мирзиёев 2021 йил 22 февраль куни БМТ Инсон ҳуқуқлари бўйича кенгашининг 46-сессиясидаги нутқида бу ҳақда тўхталиб ўтганди. Юртбошимиз юксак минбардан туриб, **имконияти чекланган шахсларнинг**

**ўз қобилиятини тўла рўёбга чиқариш масалалари бўйича Минтақавий кенгаш тузиш таклифини** халқаро ҳамжамият эътиборига ҳавола этар экан, Ўзбекистонда алоҳида эҳтиёжга эга бўлган шахсларнинг ҳуқуқларини таъминлашга жиддий эътибор қаратилаётганини таъкидлагани бежиз эмас.

## **Президентнинг қонунчилик ташаббуси: изчиллик ва самара**

Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати БМТнинг Ногиронлар ҳуқуқлари тўғрисидаги конвенциясини 2009 йил 27 февралда имзолаган. Ўшанда мамлакатимиз Конвенцияни келгусида ратификация қилишга ишонч билдирган. Аммо, афсуски, Ногиронлар ҳуқуқлари тўғрисидаги конвенцияни муваффақиятли амалга ошириш учун зарур бўлган айнан ратификация масаласи чўзилиб кетди.

Шу маънода, кейинги йилларда бу борадаги амалий ишлар шиддатли тус олгани диққатга сазовор. Ўзбекистон Республикасининг Ногиронлар ҳуқуқлари тўғрисидаги конвенцияга қўшилишига оид масала давлат бошлиғининг қуйидаги дастурий ҳужжатларида:

**биринчидан**, “Ногиронлиги бўлган шахсларни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармонида (2017 йил 1 декабрда қабул қилинган);

**иккинчидан**, Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси қабул қилинганининг 70 йиллигига бағишланган Тадбирлар дастурида (2018 йил 5 майдаги Фармон билан тасдиқланган);

**учинчидан**, Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикасининг Миллий стратегиясида (2020 йил 22 июндаги Фармон билан тасдиқланган);

**тўртинчидан**, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 22 февралда бўлиб ўтган Бирлашган Мил-

латлар Ташкилоти Инсон ҳуқуқлари бўйича кенгашининг 46-сессиясидаги нутқида назарда тутилган.

БМТнинг Инсон ҳуқуқлари бўйича кенгаши ва БМТ халқаро шартномавий органлари – Иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқлар қўмитасининг, Ирқий камситишни тугатиш бўйича қўмитасининг якуний тавсия ва мулоҳазаларида Ўзбекистон томонидан Ногиронлар ҳуқуқлари тўғрисидаги конвенцияни ратификация қилиш бўйича чора-тадбирларни такомиллаштириш ва тарғибот-ташвиқот фаолиятини амалга ошириш бир неча марта тавсия этилган.

Шу билан бирга, 1991 йил 18 ноябрда қабул қилинган ва 2008 йилда янги таҳрири тасдиқланган “Ўзбекистон Республикасида ногиронларни ижтимоий ҳимоя қилиш тўғрисида”ги қонунни такомиллаштириш бўйича ишлар олиб борилди. Ўзбекистон Президентининг ташаббуси асосида 2017 йилда “Ногиронлиги бўлган шахсларнинг ҳуқуқлари тўғрисида”ги қонун лойиҳаси ишлаб чиқилди. Лойиҳа 2018 йил 20 июль куни умумхалқ муҳокамаси учун ягона интерактив давлат хизматлари порталида жойлаштирилди.

Ўзбекистон Президенти ташаббуси билан ишлаб чиқилган “Ногиронлиги бўлган шахсларнинг ҳуқуқлари тўғрисида”ги қонун лойиҳасида, жумладан, БМТ Ногиронлар ҳуқуқлари тўғрисидаги конвенциясининг халқаро стандартлари ва талаблари, энг муҳими, асосий фалсафасини ҳисобга олиш, шунингдек **“ногирон”** сўзи ўрнига **“ногиронлиги бўлган шахс”** атамасидан фойдаланишга эътибор қаратилди.

Сўнгра, 2020 йил 22 июль куни “Ногиронлиги бўлган шахсларнинг ҳуқуқлари тўғрисида”ги қонун лойиҳаси Қонунчилик палатаси томонидан қабул қилиниб, 2020 йил 11 сентябрь куни Сенат томонидан маъқулланди. Қонун

Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан 2020 йил 15 октябрь куни имзоланди. Мазкур Қонуннинг 49-моддасига мувофиқ, қонун расман эълон қилинган кундан эътиборан уч ой ўтгач, яъни 2021 йил 15 январь куни кучга кирди.

Шу тариқа Ўзбекистон Президентининг ташаббуси билан даставвал, бу борада, алоҳида “Ногиронлиги бўлган шахсларнинг ҳуқуқлари тўғрисида”ги қонуни қабул қилинишига муваффақ бўлинди. Ўз навбатида, Юртбошимизнинг халқаро ташаббуси доирасида, эндиликда Ўзбекистон Парламенти Ногиронлар ҳуқуқлари тўғрисидаги конвенцияни ратификация қилди.

Шунингдек, Ногиронлар ҳуқуқлари тўғрисидаги конвенция ижроси билан ўзаро уйғун ҳолда, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 27 февралда матбуотда эълон қилинган **“Ногиронлиги бўлган шахсларни қўллаб-қувватлаш тизимини такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори** бу борада улкан аҳамият касб этганини эътироф этиш ўринлидир.

Қарордан кўзланган мақсад:

**биринчидан**, инсон ҳуқуқлари, жумладан, ногиронлиги бўлган шахслар ҳуқуқларининг кафолатларини мустаҳкамлаш;

**иккинчидан**, инклюзив ривожланиш, аҳолининг барча қатламлари тенг ҳуқуқ ва имкониятларга эга бўлишларини таъминлашнинг самарали механизмларини жорий этиш;

**учинчидан**, ногиронлиги бўлган шахсларнинг жамият ҳаётининг барча соҳаларида иштирок этишлари учун зарур шарт-шароитлар яратишдан иборатдир.

Бир сўз билан айтганда, Ўзбекистонда ижтимоий адолат принципига амал қилиш, ёрдам ва қўллаб-қувватлашга муҳтож, биринчи навбатда, жисмоний имконияти чеклан-

ган одамларга тўлақонли ҳаёт кечириши учун шароит яратиш масаласи давлат ва жамият этиборининг диққат марказида туради.

### **Конвенция – ногиронлиги бўлган шахсларнинг Жаҳон Конституцияси**

Маълумки, Ногиронлар ҳуқуқлари тўғрисидаги конвенция БМТ Бош Ассамблеяси томонидан 2006 йил 13 декабрда қабул қилинган ва 2008 йил 3 майда кучга кирган. БМТга аъзо 192 давлатдан, 2022 йил ҳолатига кўра, 186 таси ушбу Конвенцияни ратификация қилган.

**БМТнинг Ногиронлар ҳуқуқлари тўғрисидаги конвенцияси ХХІ асрда қабул қилинган инсон ҳуқуқлари тўғрисидаги биринчи шартномадир.**

Конвенцияда ногиронларнинг ҳуқуқлари ва асосий эркинликлари, хусусан, уларнинг яшаш, фуқаролик, ҳуқуқий ҳимояланиш, таълим олиш, саломатликларини сақлаш, бошқалар билан тенг равишда меҳнат қилиш, сиёсий, ижтимоий, маданий ҳаётда бўш вақтни ўтказиш, дам олиш ва спорт билан шуғулланишда иштирок этиш, ўзлари ва оиласи учун етарлича турмуш шароитига эга бўлиш ва ижтимоий ёрдам ҳуқуқлари эътироф этилган. Ушбу ҳуқуқларни амалга оширишнинг кафолатлари белгиланган.

Ногиронлар ҳуқуқлари тўғрисидаги конвенция 50 та моддадан иборат бўлиб, дунёдаги ногиронлиги бўлган шахслар ҳолатини таҳлил қилиш асосида қабул қилинган. Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг берган маълумотларига кўра, дунё аҳолисининг 15 фоизини ногиронлиги бўлган инсонлар ташкил қилади, бугунги кунда уларнинг сони 1 млрдга етган, шундан 100 млндан ортиғи ногиронлиги бўлган болалардан иборат.

Энг муҳими, Конвенция дунёдаги ногиронлиги бўлган шахслар ҳолатини атрофлича таҳлил қилиш асосида қабул

қилинган. Мазкур халқаро-ҳуқуқий ҳужжат инсонларнинг турли-туманлиги ва кадр-қиммати принципларини ўзида мужассамлаштиргани аҳамиятлидир.

Конвенциянинг асосий ғояси шундан иборатки, ногиронлиги бўлган шахслар барча инсон ҳуқуқлари ва эркинликларидан камситишларсиз фойдаланиш имкониятига эга бўлиши керак.

Конвенциянинг мақсади 1-моддада баён этилган ҳамда ногиронлиги бўлган шахсларнинг тенглик асосида барча инсон ҳуқуқларини тўлиқ амалга оширишларини рағбатлантириш, ҳимоя қилиш ва таъминлашдан иборатдир. У фойдаланиш имконияти, шахсий ҳаракатланиш, соғлиқни сақлаш, таълим, бандлик, абилитация ва реабилитация, сиёсий ҳаётда иштирок этиш, шунингдек тенглик ва камситмаслик каби бир қатор муҳим масалаларни қамраб олади.

Конвенциянинг 4-моддасида ногиронлиги бўлган шахслар ҳуқуқларини таъминлаш, рағбатлантириш ва ҳимоя қилиш бўйича умумий мажбуриятлар белгиланган. Хусусан, **Конвенцияда иштирокчи-давлатлар қуйидаги мажбуриятларни олади:**

- ногиронлиги бўлган шахслар ҳуқуқларини амалга ошириш учун барча зарур қонунчилик, маъмурий ва бошқа чораларни кўриш;

- ногиронларга нисбатан камситиш хусусиятига эга мавжуд қонунлар, қарорлар, урф-одатларни ўзгартириш ёки бекор қилиш;

- барча стратегиялар ва дастурларда ногиронлиги бўлган шахслар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ҳамда рағбатлантиришни ҳисобга олиш, Конвенцияга тўғри келмайдиган ҳар қандай ҳаракатлар ёки усуллардан тийилиш;

- ҳар қандай шахс, ташкилот ёки хусусий корхона томонидан ногиронлик белгиси бўйича камситишни бартараф этиш учун зарур чораларни кўриш;

- ногиронлиги бўлган шахсларнинг аниқ эҳтиёжлари учун иложи борица кам мослашувчанлик ва харажат талаб қиладиган товарлар, хизматлар, жиҳозлар ҳамда универсал дизайн объектларининг тадқиқот ва конструкторлик ишланмаларини олиб бориш ёки рағбатлантириш, уларнинг мавжуд бўлиши ва улардан фойдаланишга кўмаклашиш, шунингдек стандартлар ва кўрсаткич мўлжалларини ишлаб чиқишда универсал дизайн ғоясини илгари суриш;

- тадқиқот ва конструкторлик ишланмаларини олиб бориш ёки рағбатлантириш, шунингдек ногиронлар учун мос келадиган янги технологиялар, хусусан, арзон технологияларга устувор аҳамият берган ҳолда ахборот-коммуникация технологиялари, ҳаракатчанликни, қурилмалар ва ассистив технологияларни енгиллаштирадиган воситаларнинг мавжуд бўлиши ва фойдаланилишига кўмаклашиш;

- ногиронлиги бўлган шахсларга ҳаракатчанлик, қурилмалар ва ассистив технологияларни енгиллаштирадиган воситалар, жумладан, янги технологиялар ҳамда ёрдам кўрсатишнинг бошқа шакллари, қўшимча хизматлар ва объектлар тўғрисида мавжуд ахборотларни тақдим этиш;

- ушбу Конвенцияда эътироф этилган ҳуқуқлар билан кафолатланган ёрдам ва хизматларни тақдим этишни тақомиллаштириш учун мутахассислар ва ногиронлар билан иш олиб борадиган ходимни ўқитишни рағбатлантириш

Ногиронлиги бўлган шахслар ҳуқуқларини ҳимоя қилишда устувор субъектлар сифатида ногиронлиги бўлган хотин-қизлар (6-модда) ва ногиронлиги бўлган болалар (7-модда) ажратиб кўрсатилган.

Конвенция қоидалари бажарилишини мониторинг қилувчи, иштирокчи-давлатларнинг маърузаларини кўриб чиқишга ваколатли ҳамда ушбу маърузалар бўйича таклифлар ва умумий тавсиялар берувчи орган – **БМТнинг Ногиронлар ҳуқуқлари бўйича қўмитаси** (18 кишидан иборат) **ташкил этилган.**

Аъзо-давлатлар дастлабки миллий маърузани Конвенция ратификация қилинганидан сўнг 2 йил ичида, кейинчалик ҳар 4 йилда бир марта тақдим этишлари белгиланган.

## **Ногиронлиги бўлган шахслар ҳуқуқларини ҳимоя қилишнинг юридик асослари**

Мамлакатимизнинг ногиронлиги бўлган шахслар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш соҳасидаги давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бири – ногиронлиги бўлган шахсларга Конституциямизда назарда тутилган фуқаролик, иқтисодий, сиёсий ва бошқа ҳуқуқ ва эркинликларни амалга оширишда халқаро ҳуқуқнинг умуммэътироф этилган нормалари ҳамда принциплари, шунингдек Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномаларига мувофиқ бошқа фуқаролар билан тенг имкониятларни таъминлаш ҳисобланади.

Ўзбекистонда 1 млн яқин ногиронлиги бўлган шахс истиқомат қилади. Шуларнинг 100 мингдан ортиғи 16 ёшгача бўлган ногирон болалардир. Улар ижтимоий ҳимоя ва қўллаб-қувватлаш, тиббий-ижтимоий реабилитация чоралари билан қамраб олинган.

Жумладан, Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 28 апрелдаги қарори билан “Ижтимоий ҳимояга муҳтож айрим тоифадаги фуқароларга нафақа тайинлаш бўйича давлат хизматлари кўрсатишнинг маъмурий регламенти” тасдиқланди. Ушбу ҳужжатга асосан, ижтимоий ҳимояга муҳтож айрим тоифадаги фуқароларга нафақа тайинлаш бўйича давлат хизматлари 2021 йил 1 августдан бошлаб кўрсатиб келинмоқда.

Бундан ташқари, Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 29 апрелдаги қарори билан Ҳукумат ҳузурида доимий фаолият юритувчи **Ногиронлиги бўлган шахслар ишлари бўйича идоралараро кенгаш** ташкил қилинди.



### **Идоралараро кенгашнинг асосий вазифалари:**

- ногиронлиги бўлган шахсларнинг ҳуқуқларини таъминлаш соҳасидаги давлат сиёсатини амалга оширувчи давлат органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари фаолиятини мувофиқлаштириш;
- ногиронлиги бўлган шахсларнинг соғлиғини тиклаш, уларни реабилитация қилиш, ижтимоий ҳимоя қилиш ва ҳуқуқларини таъминлашга доир давлат дастурларини амалга оширишда иштирок этиш;
- ногиронлиги бўлган шахсларнинг таълим олиши, уларни касбга тайёрлаш, қайта тайёрлаш, малакасини ошириш, меҳнат қилиши ва бандлигига кўмаклашиш;
- ногиронлиги бўлган шахсларнинг жамият ва давлат ҳаётида тўла ҳуқуқли тарзда иштирок этиши учун қулай шарт-шароитлар яратишда иштирок этишдан иборат.

Ногиронлиги бўлган шахслар ҳуқуқларини жамият ҳаётининг сиёсий, ижтимоий-иқтисодий ва маданий соҳаларида ҳимоя қилиш асосида қандай вазият бўлишидан қатъи назар инсонни, шу жумладан, ногиронлиги борлиги туфайли камситмаслик принципи ётади. Бу борада нафақат давлат тузилмалари, балки фуқаролик жамияти институтлари ҳам фаоллик кўрсатаётгани жуда муҳим.

Бугунги кунда мамлакатимизда ногиронлик соҳасида 613 га яқин нодавлат нотижорат ташкилоти фаолият юритмоқда. Адлия вазирлиги маълумотларига кўра, ногиронлиги бўлган шахсларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилувчи 613 та нодавлат нотижорат ташкилотлари мавжуд, бироқ улар қаторига ННО вилоят, шаҳар ва туман бўлинмалари ҳам киради<sup>1</sup>. Хусусан, Ўзбекистон ногиронлар жамияти, Ўзбекистон ногиронлар жамоат фонди,

---

<sup>1</sup> Инклюзия лиц с инвалидностью. Страновой обзор. Узбекистан. [Электрон ресурс]. – <https://documents1.worldbank.org/curated/en/099415012202113860/pdf/P1569620fed8da09c0b06c09f8bbbe48eaf.pdf>

Ўзбекистон Ногирон ишбилармон аёллар миллий ассоциацияси, Имконияти чекланган ёшлар ва болалар маркази, Ўзбекистондаги фалаж ногирон болалар ва ўсмирларга ёрдам бериш “Умр” жамоатчилик маркази, “Инклюзив ҳаёт” ногиронлар жамоат бирлашмаси, Ўзбекистон Кўзи ожизлар жамияти, Ўзбекистон қарлар жамияти каби ННТлар шулар жумласидан. Ушбу нодавлат нотижорат ташкилотларининг вакиллари Конвенцияни ратификация қилишда фаол иштирок этди.

Жумладан, Ўзбекистонда ногиронлиги бўлган шахсларнинг ҳуқуқлари Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, “Ногиронлиги бўлган шахсларнинг ҳуқуқлари тўғрисида”, “Таълим тўғрисида”, “Фуқаролар соғлиғини сақлаш тўғрисида”, “Аҳоли бандлиги тўғрисида”, “Бола ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида”, “Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида”, “Меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисида”, “Жисмоний тарбия ва спорт тўғрисида”ги қонунлар ва Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат кодекси билан тартибга солинади.

Хулоса қилиб айтганда, Ўзбекистон ратификация қилган БМТнинг Ногиронлар ҳуқуқлари тўғрисидаги конвенцияси ногиронлиги бўлган шахсларнинг тенглиги, ҳуқуқлари, айниқса, аёллар ва болаларнинг таълим олиши, саломатлигини сақлаши, меҳнат қилиши, ўзи ва оиласи учун етарлича турмуш шароитига эга бўлишининг ҳуқуқий кафолатларини белгиловчи халқаро-ҳуқуқий ҳужжатдир.

Конвенцияни ратификация қилишда 3 та манба: миллий қонунчилик, хорижий юридик амалиёт ва ушбу Конвенциянинг ўзига таянилди. АҚШ, Буюк Британия, Германия, Швейцария, Россия, Беларусь, Украина, Озарбайжон каби давлатлар тажрибаси чуқур ўрганилди.

Шунингдек, АҚШ, Буюк Британия, Германия, Швейцария каби етакчи хорижий давлатлар Ногиронлар ҳуқуқла-

ри тўғрисидаги конвенцияни ратификация қилган ҳолда, тегишли миллий қонунларини ҳам қабул қилган. Бу қонунларнинг барчаси мазмунан ўхшаш бўлиб, Конвенция талаблари негизида ишлаб чиқилган. Хусусан, ГФРда ногиронлиги бўлган шахсларни ижтимоий ҳимоя қилишга қаратилган бир қанча қонунлар мавжуд. Масалан, **“Жамиятда, ишда ва касбий соҳада ногиронларнинг ҳуқуқларини таъминлаш тўғрисида”ги қонун** шулар сирасига киради.

**Ўзбекистоннинг бу борадаги ҳуқуқий амалиётига назар ташлайдиган бўлсак**, Ногиронлар ҳуқуқлари тўғрисидаги конвенцияни ратификация қилиш жараёнида Ўзбекистон Республикаси томонидан халқаро-ҳуқуқий ҳужжат дастлаб миллий қонунчиликка имплементация қилиниб, шундан сўнг ратификация қилинган.

Энг асосийси, Конвенцияни ратификация қилиш натижасида:

**биринчидан**, ногиронлиги бўлган шахсларни ижтимоий ҳимоя қилиш тизими халқаро норма ва стандартларга мувофиқлашади;

**иккинчидан**, ногиронлиги бўлган шахсларни ижтимоий ҳимоя қилишни кучайтириш бўйича халқаро ташкилотларнинг мақсадли ресурсларини жалб қилиш имкони кенгайди;

**учинчидан**, аҳолини ижтимоий ҳимоя қилишдаги мамлакатимизнинг ижобий халқаро имиджи янада яхшиланади.

---

## **ИККИНЧИ БЎЛИМ. БМТНИНГ НОГИРОНЛАР ҲУҚУҚЛАРИ ТЎҒРИСИДАГИ КОНВЕНЦИЯСИ – МАЗМУН-МОҲИЯТИ ВА АСОСИЙ ҚОИДАЛАР**

Ногиронлар ҳуқуқлари тўғрисидаги конвенциянинг қабул қилинишидан аввал ногиронлик масаласи инсон ҳуқуқлари бўйича бошқа шартномаларда умумий нуқтаи назардан кўриб чиқилган, масалан, Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси, Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пакт ҳамда Иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пактларда инсон, жумладан, ногиронлиги бўлган шахсларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилишни таъминлайдиган, ногиронларни камситмаслик тўғрисидаги бандлар мавжуд. Ушбу ҳужжатнинг 2-моддасида инсонларнинг ирки, танасининг ранги, жинси, дини, сиёсий ёки бошқа эътиқоди, миллий ёки ижтимоий келиб чиқиши, мулкӣ аҳволи, туғилиши ёки бошқа ҳолатларига нисбатан ҳеч қандай камситишсиз амалга оширилишини кафолатлаш мажбурияти ўз ифодасини топган.

Шунингдек, Иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пакт, Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пакт, Ирқий камситишнинг барча шакллариға барҳам бериш тўғрисидаги халқаро конвенция, Хотин-қизларни камситишнинг барча шакллариға барҳам бериш тўғрисидаги конвенция, Қийноқлар ҳамда муомала ва жазолашнинг бошқа шафқатсиз, ғайриинсоний ёки қадр-қимматни камситадиган турларига қарши

конвенция, Бола ҳуқуқлари тўғрисидаги конвенция, Қийноқларга қарши конвенция, Хотин-қизларни камситишнинг барча шаклларига барҳам бериш тўғрисидаги конвенция ва бошқа шу каби инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро шартномаларда камситишдан ҳимоя қилиш қоидалари, жумладан, ногиронлиги бўйича камситилишдан ҳимоя қилиш зарурлиги, шунингдек ногирон болаларнинг тўлиқ ва муносиб ҳаётга бўлган ҳуқуқлари аниқ эътироф этилган.

Ногиронлар ҳуқуқлари тўғрисидаги конвенция инсон ҳуқуқлари тўғрисидаги шартнома бўлиб, инсон ҳуқуқлари ва давлатлар томонидан тегишли мажбуриятларни белгилловчи давлатлар ўртасидаги халқаро битим ҳисобланади.

Конвенция ногиронлар ҳуқуқлари барча бошқа инсонлар эга бўлган ҳуқуқлар билан бир хиллигини тан олади ҳамда ногиронлар ушбу ҳуқуқлардан фойдаланишлари кераклигини тасдиқлайди. Бу ўз-ўзидан аҳамиятли, чунки ногиронлиги бўлган шахслар, кўпинча ўз ҳуқуқларидан махрум бўладилар ёки ўз ҳуқуқларига эга эканлигини билишмайди. Шартномада ногиронлар ушбу ҳуқуқлардан камситишларсиз ва бошқалар билан тенг равишда фойдаланиши кераклиги мустаҳкамланган.

Шартнома ногиронларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва рағбатлантириш бўйича давлатларнинг мажбуриятларини белгилайди. Гарчи ногиронлар ногиронлиги бўлмаган шахслар билан бир хил ҳуқуқларга эга бўлишига қарамай, баъзида давлатлар ушбу ҳуқуқларнинг амалга оширилишини таъминлаш учун бошқа ёки қўшимча чораларни кўришлари шарт. Конвенция бундай мажбуриятларни етарлича батафсил баён қилади.

Шартномада, шунингдек ушбу Конвенцияни амалга ошириш ва мониторинг қилиш учун зарур бўлган миллий ва халқаро институтларни ташкил этиш кўзда тутилган. Миллий даражада, бу, ўз навбатида, давлат марказлари ва

механизмлари ҳамда мустақил амалга ошириш ва мониторинг қилиш механизмлари бўлиши мумкин. Шунингдек, халқаро миқёсда ушбу Конвенцияни амалга оширишда давлатларга кўмаклашиш мақсадида Ногиронларнинг ҳуқуқлари бўйича қўмита ва иштирокчи-давлатларнинг конференциясини ташкил қилиш жараёнининг ҳар қандай жиҳатларини кўриб чиқишда ёрдам беради.

Гарчи юридик жиҳатдан мажбурий характерга эга бўлмаса-да, Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеяси томонидан қабул қилинган Ногиронларнинг ҳуқуқлари тўғрисидаги декларация, Ногиронларга нисбатан Умумжаҳон ҳаракат дастури ва Ногиронлар учун тенг имкониятларнинг стандарт қоидалари тўғрисидаги ҳужжатлар давлатларнинг ногиронларни ҳимоя қилиш чораларини кўришда, шу жумладан, миллий қонунчилик ва стратегиялар орқали қабул қилишдаги ахлоқий ва сиёсий мажбуриятини англатади.

Умуман олганда, Ногиронлар ҳуқуқлари тўғрисидаги конвенцияни қабул қилиш бўйича қуйидаги сабабларни кўрсатиш мумкин, хусусан:

- Конвенция ногиронларнинг инсон ҳуқуқларини тасдиқлаш ҳамда уларнинг жамиятда тенг ҳуқуқли аъзолар ва ҳуқуқларга эга субъектлар сифатида иштирок этишини таъминлаш учун зарур эди (ногиронлар тўлақонли ҳуқуқ эгалари сифатида эмас, балки пассив ёрдам олувчилар сифатида қабул қилинганлиги, ютуқлар ҳам, ривожланиш муаммоларини ҳал қилиш билан боғлиқ муаммолар ҳам ногиронларнинг ҳақиқий ҳолатини ҳисобга олишни таъминламаганлиги), шу билан бирга, ногиронларнинг ўз жамиятларида “кўринмас” бўлиб қолишгани ва уларнинг четлатилиши, ўз навбатида, кўпинча инсон ҳуқуқлари бузилиши хавфини оширади.

- Конвенция ногиронлар дуч келадиган муаммоларни янада кенгроқ ҳал қилиш ва қонуний кучга эга ҳужжат асосида уларнинг ҳуқуқларини янада самарали ҳимоя қилиш ҳамда илгари суриш учун зарур эди. 2001 йилда Инсон ҳуқуқлари бўйича Олий комиссар бошқармаси (ИҲОКБ) ногиронлар ҳуқуқлари ва инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилишнинг мавжуд тизими тўғрисида тадқиқот ўтказди. Тадқиқот натижаларига кўра, мавжуд воситалар ва механизмлар доирасида ногиронларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш масалаларига етарлича эътибор қаратилмаган, ногиронлар учун махсус ҳуқуқий ҳимоя тизими мавжуд эмас, бу эса, инсон ҳуқуқларига асосланган ёндашув илгари ўрнатилган стандартларни алмаштириш ёки аниқлаштириш учун маълум тушунчаларни кучайтиришни талаб қилади. Масалан, ногиронлар жамиятнинг бошқа аъзолари билан бир қаторда бепул ва мажбурий таълим олиш ҳуқуқи, яъни инклюзив таълим ҳуқуқини англатади.

- Конвенция ногиронлар ташкилотлари, фуқаролик жамияти ва давлат томонидан олиб борилаётган фаол ташвиқот стратегиясининг натижаси бўлди. Фуқаролик жамияти, айниқса, ногиронлар ташкилотлари, ногиронлар ҳуқуқлари учун ҳаракатни қўллаб-қувватловчи халқаро ташкилотлар ва академиялар ушбу Конвенцияни қўллаб-қувватлаш ва илгари суриш бўйича олдинда ҳаракат қилганлар. Уларнинг ҳаракатлари Конвенцияга умумий ёндашувни белгилаб берди, ногиронлик соҳасидаги ҳар қандай ижобий воқеалар нафақат давлатларнинг, балки барча тегишли томонларнинг иштирокини таъминлаш учун тўлиқ қамраб олиниши керак.

Конвенциянинг мақсади барча инсон ҳуқуқлари ва асосий эркинликларини рағбатлантириш, ҳимоя қилиш, тўлиқ ва тенг равишда фойдаланишини таъминлаш ҳамда уларнинг кадр-қимматини ҳурмат қилишни тарғиб қилишдан

иборат бўлиб, унинг баъзи унсурларини янада кўпроқ ўрганиш керак бўлади, хусусан:

- ҳуқуқларни рағбатлантириш, ҳимоя қилиш ва амалга ошириш: бу Конвенция бўйича давлатларнинг ногиронларнинг ҳуқуқлари тўғрисидаги хабардорлигини ошириш, ногиронлар ҳуқуқларини тан оладиган қонунлар ва сиёсатни қабул қилиш ҳамда улар бузилган тақдирда қонуний ҳимоя чораларини кўриш ва ҳуқуқларни таъминлаш ҳамда ахборот олиш имкониятини ошириш;

- барча инсон ҳуқуқларидан тўла ва тенг равишда фойдаланиш: бу ногиронларнинг бошқалар каби ҳуқуқлари борлигини ва улар жамиятда ҳамма билан тенг равишда мазкур ҳуқуқлардан фойдаланиши керак;

- шахснинг кадр-қимматини ҳурмат қилиш: бу инсон ҳуқуқларининг барча жиҳатларига асосланади, чунки инсон ҳуқуқларини ҳурмат қилиш бизнинг инсонийлигимизни белгиловчи энг муҳим омилдир. Инсон ҳуқуқларининг бузилиши унинг кадр-қимматини бузишдир, хусусан, бутун дунёда кўплаб ногиронларнинг тақдири шундай.

Шунга асосан Конвенция:

- ногиронларнинг ҳуқуқларини тушунтиради. Юқорида таъкидлаб ўтилганидек, кўплаб ногиронлар ўз ҳуқуқларидан хабардор эмаслар ва бу ҳуқуқлар, кўпинча эътиборга олинмайди. Конвенция ногиронлар бошқа шахслар каби бир хил ҳуқуқларга эга ва улар ушбу ҳуқуқлардан ногиронлиги бўлмаган шахслар билан тенг равишда фойдалана олишлари кераклигини тан олади;

- ушбу ҳуқуқларни ҳурмат қилиш мажбуриятини белгилайди. Конвенция ҳуқуқларнинг мавжудлиги тўғрисида даъво қилишнинг ўзи етарли эмаслигини ва давлатлар (ва бошқа ташкилотлар) ушбу ҳуқуқларнинг ҳурмат қилинишини таъминлаш учун кўриши керак бўлган турли хил чораларнинг бир хил даражада муҳимлигини тан олади;



– ногиронликни ижтимоий ҳодиса сифатида тан олади. Конвенция ногиронлиги бўлган инсонларнинг жамият ҳаётида тўлиқ иштирок этишига тўсқинлик қиладиган тўсиқларни олиб ташланиши кераклигини тан олади;

– ногиронларнинг ҳуқуқларини тан олишдан ташқари, ушбу ҳуқуқларнинг бажарилиши учун ким жавобгарлигини, улар айнан нима ва қачон (масалан, дарҳол ёки босқич-ма-босқич) бажарилишини белгилаб беради;

– камситмаслик ва тенгликка оид ишончли меъёрлар тизимидан иборат бўлиб, фуқаролик, маданий, иқтисодий, сиёсий ёки ижтимоий ҳуқуқлардан қатъи назар, барча ҳуқуқларга нисбатан қўлланилади;

– инсон ҳуқуқларининг тўлиқ доирасини қамраб олади. У фуқаролик, сиёсий, иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқларни бирлаштиради, бу эса, барча инсон ҳуқуқларининг ўзаро боғлиқлиги ва тенг ҳуқуқлилигини тасдиқлайди. Конвенцияда ногиронларга нисбатан қўлланиладиган ҳуқуқлар сифатида ҳар бир шахсга берилган инсон ҳуқуқларининг мазмуни ва қамрови очиб берилган;

– ҳар томонлама ва қулай ривожланишга ёрдам беради. Ушбу Конвенция кўпинча, инсон ҳуқуқлари бўйича шартнома ва ривожланиш воситаси деб номланади. У инсон ҳуқуқлари соҳасидаги тенденцияни давом эттириб, бу давлатларнинг ўз ҳуқуқларини ҳимоя қилиш учун ижобий чоралар кўриш зарурлигини тан олади ҳамда ушбу ҳуқуқларни амалга оширишда давлатларга ёрдам беришда халқаро ҳамжамятнинг ролини эътироф этади. Ривожланиш ҳақиқатдан ҳам Конвенцияни тўғри амалга оширишда ҳал қилувчи роль ўйнайди. Масалан, кўплаб қоидалар товарлар ва хизматларга осон киришни талаб қилади, бу қисман самарали ривожланиш стратегиялари ва сиёсатларига боғлиқ. Шунини таъкидлаш керакки, ривожланиш ногиронлиги бўлган шахсларни қамраб олиши ва уларга таъсир этиши

керак, бунда икки томонлама ёндашув талаб этилади, жумладан, ногиронлар учун махсус дастурлар, барча лойиҳалар, дастурлар ва ривожланишнинг бошқа тадбирларида уларнинг ҳуқуқлари;

– ҳуқуқларнинг миллий ва халқаро мониторингини таъминлайди. Гарчи бу қонунни амалга ошириш имконияти билан бир хил бўлмаса-да, Конвенциянинг бажарилиши ва мониторингини қўлаб-қувватлаш учун миллий ва халқаро механизмларни яратиш ҳамда амалга ошириш усулларида биридир.

Аксарият аъзо-давлатлар ё фойдаланиш имконияти тўғрисидаги бевосита қоидаларни ёки фойдаланиш имконини таъминлаш бўйича чоралар кўришни талаб қиладиган қоидаларни қамраб оладиган ногиронлик ҳақидаги қонунлар ёки қарорларни қабул қилдилар. Уларнинг қарийб 92 фоизи қонунлар ёки қарорлар шаклида қонунчилик ташаббусларини қабул қилган. Минтақалар бўйича тақсимоот шуни кўрсатмоқдаки, Европада 97%, Шимолий ва Жанубий Америкада 95%, Осиёда 91%, Океанияда 86% ва Африкада 84%га яқин аъзо-давлатлар ногиронларга йўналтирилган қонунлар ёки қарорларни қабул қилган.

---

## **УЧИНЧИ БЎЛИМ. НОГИРОНЛАР ҲУҚУҚЛАРИНИ ТАЪМИНЛАШ: МИЛЛИЙ ВА ХАЛҚАРО ЁНДАШУВЛАРДАГИ ЎЗАРО МУШТАРАКЛИК**

Бугунги кунда мамлакатимизда “Инсон қадри учун” ғояси ва жорий ислохотларнинг бош тамойили бўлган “Инсон – жамият – давлат” деган ёндашув барча соҳалардаги янгиланишларнинг мазмун-моҳиятига чуқур сингиб бормоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 2022 йил 17 февралда **“Ногиронлиги бўлган шахсларни ҳамда аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламларини қўллаб-қувватлашнинг қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармонни** қабул қилди. Ушбу ҳужжат 2022 йил 28 январда тасдиқланган “2022–2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси” ижроси доирасида ишлаб чиқилган.

Бунга қадар, Ҳаракатлар стратегияси доирасида, жумладан, Президентимиз томонидан 2021 йил 25 мартдаги **“Кексалар ва ногиронлиги бўлган шахсларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш, “Саховат” ва “Мурувват” интернат уйлари тизимини янада ривожлантириш тўғрисида”ги фармон**, 2021 йил 27 ноябрда **“Тиббий-ижтимоий экспертиза хизмати фаолияти ҳамда болаларга ногиронликни белгилаш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарор** қабул қилинган ва ижрога йўналтирилган.

## Ногиронлик муаммолари бўйича Глобал саммит

2022 йилнинг 16–17 февраль кунлари Ногиронлик муаммолари бўйича Глобал саммит бўлиб ўтди. Ушбу халқаро анжуман Норвегия ва Гана ҳукуматлари ҳамда Ногиронлик муаммолари бўйича халқаро альянс томонидан онлайн шаклда ташкил этилди.

Ногиронлик муаммолари бўйича Глобал саммитда имконияти чекланган инсонлар ҳаётида аниқ ва амалий ўзгаришлар юз беришига хизмат қиладиган инклюзив тараққиёт талабларини татбиқ этиш истиқболлари муҳокама қилинди. Бунда **БМТнинг Барқарор ривожланиш мақсадларидан келиб чиқилди.**

Барқарор ривожланишнинг 17-мақсадига эришиш учун саккиз йилдан озроқ вақт қолмоқда. Шунинг учун, бу борада қўлга киритилган натижаларга таянган ҳолда, ушбу мақсад доирасида белгиланган инклюзив тараққиётни кенгайтириш бўйича мажбуриятларни бажариш лозим.

БМТ Бош котиби **Антониу Гутерриш** ногиронлиги бўлган шахсларни ҳимоя қилишнинг бир қатор устувор йўналишларини илгари сурди. Хусусан, Бош котибнинг фикрича, ногиронлиги бўлган шахслар ҳамма жойда ҳар қандай имкониятлардан тенг фойдалана олишига шароит яратиш учун инвестициялар зарур. Бу эса, катта миқдордаги молиялаштиришни тақозо этади.

Саммитни Норвегия Бош вазири **Йонас Гар Стёре** очиб берди. У мазкур халқаро анжуман бутун дунёдаги имконияти чекланган инсонлар ҳаётини яхшилаш бўйича саъй-ҳаракатларимизни фаоллаштиришга йўл очишини таъкидлади. Зеро, бугунги кунда дунё аҳолисининг қарийб 15 фоизини ногиронлиги бўлган шахслар ташкил этмоқда. Коронавирус пандемияси ана шу инсонлар ҳуқуқларини таъминлаш борасидаги нотенгликни кучайтирмоқда.

Гана Республикаси Президенти **Нана Акуфо-Аддо** бундай нотенглик пандемия туфайли мамлакатлар ичка-рисиди айниқса кучайганига эътиборни қаратди. Бу вазият, хусусан, ногиронлиги бўлган шахсларга коронавирус билан боғлиқ ҳолатларда тиббий, ижтимоий ва молиявий хизматлар етарлича кўрсатилмаётгани мисолида кўзга ташланмоқда.

Халқаро анжуманда таъкидланганидек, БМТнинг Но-гиронлар ҳуқуқлари тўғрисидаги конвенцияси ижроси-ни таъминлаш ва унинг бажарилишини мунтазам мони-торинг қилиб бориш жуда муҳим. Шундагина имконияти чекланган инсонларнинг ҳуқуқларини тўлиқ таъминлаш масаласи инсониятнинг барқарор ва фаровон жамият бар-по этиш борасидаги глобал фаолиятининг диққат маркази-да туришига эришамиз.

Глобал саммитда 20 нафар олий даражадаги спикер – Президентлар, Бош вазирлар, халқаро ташкилотлар раҳ-барлари иштирок этди ва сўзга чиқди. Шунингдек, **саммит-да** БМТ ва унинг минтақалардаги муассасалари, нуфузли халқаро ташкилотлар раҳбарлари, давлат бошлиқлари ва ҳукумат раҳбарлари, алоқадор вазирлик ва ташкилотлар мутасаддилари, хусусий сектор вакиллари ва фуқаролик жамияти фаоллари – **жами 7 мингдан зиёд вакил ишти-рок этди.**

Халқаро анжуманга Ўзбекистон ҳам таклиф этилди. Муҳими, мамлакатимиз вакилига Ўзбекистонда ногирон-лиги бўлган шахсларнинг ҳуқуқлари ва манфаатларини таъ-минлаш борасида амалга оширилаётган ислохотлар нати-жалари ҳақида ахборот тақдим этиш имконияти яратилди.

Шу маънода, **биринчидан**, халқаро ҳамжамиятнинг бундай ижобий муносабати, бир томондан, Ўзбекистон-нинг миллий тараққиёт йўлидан оғишмай, дадил одимла-ётганини тасдиқлайди.

**Иккинчидан**, бу жаҳоний эътибор мамлакатимизнинг халқаро майдонда ўрни ва нуфузи тобора мустаҳкамланиб бораётганига яна бир ёрқин далил ҳисобланади.

**Учинчидан**, буларнинг барчаси – ногиронлиги бўлган шахсларнинг ҳуқуқлари ва манфаатларини таъминлаш борасида Ўзбекистон Президенти олиб бораётган сиёсат билан халқаро ҳамжамиятнинг глобал савий-ҳаракатлари ўзaro уйғун ҳамда муштарак эканини амалда намоён этмоқда.

**Ногиронлик муаммолари бўйича Глобал саммитда** алоҳида таъкидланганидек, коронавирус пандемиясидан кейинги даврда ногиронлик муаммоларини ҳал этишда олдинги мақбул натижаларни тиклаш ва янада кўпроқ самараларни қўлга киритиш зарур. Бунда давлатлар, халқаро ва минтақавий ташкилотлар, фуқаролик жамияти институтлари, турли доиралардаги шериклар билан яқин ҳамкорликни кучайтириш катта аҳамият касб этади.

### **Тараққиёт стратегияси ва ногиронлиги бўлган шахслар ҳуқуқлари**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 28 февралдаги Фармони билан тасдиқланган **2022–2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясини “Инсонга эътибор ва сифатли таълим йили”да амалга оширишга оид давлат дастурида** ҳам ногиронлиги бўлган шахслар учун бир қатор қўшимча кафолатлар белгиланди. Жумладан, бундан буён ногиронлик идоралараро электрон маълумотлар алмашинуви асосида, фуқароларнинг иштирокисиз белгиланади.

Шу маънода, Стратегия мамлакатда аҳоли турмуш даражасини оширишга қаратилган чора-тадбирлар изчиллигини таъминлаш ва ижтимоий ҳимояга муҳтож оилаларни қўллаб-қувватлаш механизмларини янада такомиллаштириш имконини беради.

**Тараққиёт стратегиясида** белгиланган муҳим вазифа – “Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида”ги қонунига ўзгартиришлар киритиш билан бевосита боғлиқ. Чунки бунда давлатимиз раҳбарининг болалиқдан ногиронлиги бўлган болаларга 18 ёшгача қаралган даврни пенсия тайинлашда иш стажига қўшиб ҳисоблаш зарурлиги ҳақидаги топшириғи ўз ижобатини топади.

2022 йилдан эътиборан, **“2022–2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги Фармоннинг** 14-бандига биноан, кекса ва ногиронлиги бўлган шахсларга давлат хизматларини кўрсатиш тизими соддалаштирилди ҳамда уларга замонавий технологияларни жорий этиш орқали қўшимча қулайликлар яратилди. Шунингдек, мазкур ҳужжатнинг 15-бандига кўра, ижтимоий ҳимояга муҳтож фуқароларга жиноят ишлари билан бир қаторда фуқаролик ва маъмурий ишлар бўйича ҳам давлат ҳисобидан бепул юридик ёрдам кўрсатиш тартиби жорий этилди.

**Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси инсон қадрини таъминлашга қаратилган 100 та мақсадни қамраган.** Шу мақсадларнинг аксариятида ногиронлиги бўлган шахслар ҳуқуқлари ва манфаатларига дахлдор кўплаб вазифалар белгиланган. Хусусан, кекса ва ногиронлиги бўлган шахсларга давлат хизматлари кўрсатишни соддалаштириш, уларга қулайликлар яратиш, аҳолининг муҳтож қисмини замонавий протез-ортопедия буюмлари ва реабилитация воситалари билан таъминлаш даражасини 60 фоизга етказиш белгиланган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 25 июлдаги “Ўзбекистон Республикаси аҳолисини ижтимоий ҳимоя қилиш стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида”-ги Фармони билан аҳолини ижтимоий ҳимоя қилишнинг йўналишлари кўрсатилди, жумладан:

- ижтимоий ёрдамга муҳтож ва ижтимоий нафақа тайинлаш мезонларига жавоб берадиган оилалар ва шахсларни ижтимоий ёрдам дастурлари билан қамраб олиш;
- мажбурий ижтимоий кафолатлардан, шу жумладан, ижтимоий ҳимоя турларидан фойдаланиш имкониятини соҳани рақамлаштириш ҳисобига кенгайтириш, ушбу жараёнга очиқлик ва шаффофлик таъминлашнинг жорий қилиш;
- ногиронликни белгилашнинг ижтимоий моделига босқичма-босқич ўтиш ҳамда имконияти чекланган ва ногиронлиги бўлган шахсларнинг бандлигини таъминлаш;
- ижтимоий хизматларни аҳолига бевосита маҳалла даражасида кўрсатиш амалиёти жорий этиш орқали аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш.

Шунингдек, Ижтимоий суғурта жамғармаси ташкил этилиб, унинг ҳисобидан вақтинчалик меҳнатга лаёқатсизлик, бахтсиз ҳодиса, иш ўринларининг қисқариши ва бошқа ҳолатларда даромадсиз қолишдан ҳимоя қилиш, барча юридик шахсларда аёлларга Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан ҳомиладорлик ва туғиш нафақаси тўла-ниши белгиланди.

### **Ногиронлиги бўлган шахсларни ижтимоий ҳимоя қилиш истиқболлари**

**Тараққиёт стратегиясининг 66-мақсади:** “Ногиронлиги бўлган шахсларни қўллаб-қувватлашнинг самарали тизимини шакллантириш, уларнинг ҳаёт сифати ва даражасини ошириш” деб номланган. Ушбу мақсад доирасида:

**биринчидан,** ногиронлик белгиси бўйича камситишга йўл қўймаслик, ногиронлиги бўлган шахсларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини рўёбга чиқаришда тенг шароитларни ва уларни бузганлик учун жавобгарликнинг муқаррарлигини таъминлаш;



**иккинчидан**, ногиронлиги бўлган шахслар ҳуқуқларини таъминлаш соҳасидаги умумэътироф этилган халқаро норма ва стандартларни миллий қонунчиликка имплементация қилиш;

**учинчидан**, тиббий-меҳнат экспертизаси ва ногиронликни белгилашнинг шаффоф, замонавий услуб ва мезонларини жорий этиш, ногиронлиги бўлган шахсларга тиббий-ижтимоий ёрдам кўрсатиш даражаси ва сифатини ошириш;

**тўртинчидан**, ногиронлиги бўлган шахсларнинг оиласи, жамият ва давлат билан ўзаро алоқасини кучайтириш, уларнинг қулай муҳитда бўлиши, шаҳар йўловчи транспорти, ижтимоий ва бошқа инфратузилма объектларидан эркин фойдаланиши учун зарур шароитлар яратиш;

**бешинчидан**, ногиронлиги бўлган шахсларнинг жамият ижтимоий-иқтисодий ҳаётига жалб қилиниши ва фаол иштирокини таъминловчи инклюзив таълим ва ишга жойлаштириш тизимини такомиллаштириш;

**олтинчидан**, ногиронликни белгилашнинг ижтимоий моделига босқичма-босқич ўтиш каби ғоят муҳим вазифалар кун тартибига қўйилган. Айни вақтда ушбу чора-тадбирлар изчил амалга оширилмоқда.

Бу ҳақда сўз борганда, жумладан, Ўзбекистон Республикаси Президенти яқинда “Ногиронлиги бўлган шахсларни ҳамда аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламларини қўллаб-қувватлашнинг қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармонини имзолаганини яна бир бор таъкидлаш лозим.

Ушбу Фармон ногиронлиги бўлган шахслар, айниқса, доимий парваришга муҳтож бўлган болаларни парваришлайётган оилаларни давлат томонидан ижтимоий қўллаб-қувватлаш тизимини янада такомиллаштириш, ижтимоий ёрдамнинг замонавий механизмларини амалга оши-

ришда янги ёндашувларни жорий этишга қаратилгани билан ниҳоятда муҳимдир.

Бундан ташқари, Тараққиёт стратегияси доирасида Вазирлар Маҳкамаси 2022 йил 8 февралда **“Тиббий-ижтимоий экспертиза хизмати ташкилий тузилмасини ва фаолиятини ташкил этишга оид норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни тасдиқлаш тўғрисида”ги қарорни** қабул қилди. Ҳукумат қарорига асосан ногиронликни олиш тартиби ўзгартирилди. Яъни, эндиликда фуқароларни кўриқдан ўтказиш уларни тиббий-ижтимоий эксперт комиссияларга кўриқка юбориш орқали амалга оширилади.

Кўриқка, шунингдек стационардан берилган касаллик тарихини, амбулатор картадан кўчирмаларни ва беморни кўриқка юбориш учун асос бўлган бошқа ҳужжатларни ўрганиш ҳам киради. Тиббий-ижтимоий эксперт комиссиялари мажлисида кўриқ тўлиқ таркибда ва ҳужжатлар қабул қилиб олинган кундан бошлаб 10 кун ичида ўтказилади. Ногиронлик белгиланган тақдирда, ҳужжатлар ТИЭК томонидан қабул қилиб олинган сана ногиронликнинг бошланиши ҳисобланади.

---

## **ТҶҲРТИНЧИ БҶЛИМ. НОГИРОНЛАР ҲУҚУҚЛАРИ БҶЙИЧА ҚҶМИТАГА МАЪРУЗАЛАРНИ ТАҚДИМ ҚИЛИШ: МАМЛАКАТЛАР МАЪРУЗАЛАРИ ВА МУҚОБИЛ МАЪРУЗАЛАР**

### **Ногиронлар ҳуқуқлари бҶйича қҶмита**

Маърузаларни муҳокама қилишдан олдин, давлатлар ва бошқа манфаатдор томонларнинг ҳисоботларини қабул қиладиган ҳамда қҶриб чиқадиган Ногиронлар ҳуқуқлари бҶйича қҶмитанинг моҳияти ва ролини тушуниш муҳимдир. 34-моддага мувофиқ иштирокчи-давлатларнинг даврий маърузаларини олиш ва қҶриб чиқиш ваколатига эга бўлган Ногиронлар ҳуқуқлари бҶйича қҶмита тузилади.

Ногиронлар ҳуқуқлари бҶйича қҶмита Ногиронлар ҳуқуқлари тўғрисидаги конвенциянинг иштирокчи-давлатлар томонидан бажарилишини назорат қилувчи мустақил экспертлар органи ҳисобланиб, шахсий салоҳиятга эга 18 та экспертдан иборат. Улар иштирокчи-давлатлар конференциясида Конвенциянинг иштирокчи-давлатлари томонидан сайланади ва маълум хусусиятларга эга, жумладан:

- юқори ахлоқий фазилатлар;
- тан олинган ваколат ва Конвенция қамраб олган соҳадаги тажриба.

Ушбу экспертларни сайлашда иштирокчи-давлатлар 34-моддада аниқ қҶрсатилган бир қатор масалаларга эътибор беришлари керак:

- адолатли географик тақсимот;
- цивилизациянинг турли шакллари ифодалаш;
- асосий ҳуқуқий тизимларнинг вакили;
- мувозанатли гендер вакиллиги;
- ногирон мутахассисларнинг иштироки.

Ушбу охирги мезон – ногирон экспертларнинг иштироки Конвенцияда янгилик бўлиб, унда ногиронлар, кўпинча уларнинг манфаатларига таъсир кўрсатадиган қарорларни қабул қилиш жараёнидан четлатилганлиги кўрсатилган. Бундан ташқари, экспертларни тайинлашда иштирокчи-давлатларга 4-модданинг 3-бандидаги қоидаларни эътиборга олиш тавсия этилади. 4-модданинг 3-бандида давлатлардан ногиронлар, шу жумладан, ногирон болалар билан яқиндан маслаҳатлашиш ва уларнинг вакиллик ташкилотларини уларга тегишли бўлган қарорларини (хусусан, қонунчилик ва стратегиялар тўғрисидаги қарорлар) қабул қилиш талаб этилади. Бу номзодлик жараёни ҳукуматнинг ташвиши бўлмаслиги кераклигини ва жамиятдаги бошқа гуруҳлар роль ўйнаши ҳамда Қўмитанинг аъзолик таркибига қизиқиш билдиришидан далолат беради.

Қўмита экспертлари тўрт йиллик муддатга сайланади ва фақат бир марта қайта сайланиш ҳуқуқига эга.

Қўмитанинг асосий вазифаси – Конвенцияга ҳар бир иштирокчи-давлатдан батафсил ҳисоботларни олиш.

Бундан ташқари, Қўмита қуйидагиларни амалга ошириши мумкин:

- иштирокчи-давлатлар билан ўзаро боғлиқликда ва ҳамкорликда жамиятнинг фаол ҳаётига жисмоний ривожланишида қийинчиликлар бўлган, жумладан, ногиронлиги ёки ақлий нуқсонлари бўлган одамларнинг ҳақиқий қўшилиши жараёнига кўмаклашиш;

- шикоятларни қабул қилиш ва ушбу шикоятлар бўйича тавсиялар бериш;

- ногиронлиги бўлган барча шахсларнинг инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилади ва бу ҳуқуқларга риоя қилинишига эришиш;

- Конвенция қоидаларини амалга ошириш бўйича тавсиялар бериш;

- агар у Конвенциянинг жиддий ёки мунтазам равишда бузилишини кўрсатадиган ишончли маълумотга эга бўлса, мамлакатда текширувлар ўтказиш.

Шунингдек, Қўмита ўзининг маъмурий муаммоларини ҳал қилиш ваколатига ҳам эга. Хусусан:

- у ўз раисини сайлайди, иш усуллари ҳамда тартиб қоидаларини белгилайди ва ҳоказо;

- у ушбу Конвенциянинг бажарилиши ва мониторинги билан боғлиқ масалаларни муҳокама қилиш юзасидан фуқаролик жамияти, инсон ҳуқуқлари бўйича миллий институтлар ва Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг агентликлари вакиллари билан учрашувлар ўтказди;

- у шартномавий органлар тизимини мустаҳкамлаш ва иш услубларини уйғунлаштириш мақсадида бошқа шартнома органларининг иш услубларини мувофиқлаштиради.

**Давлатларнинг маъруза тақдим этиш талаблари**  
**Ногиронлар ҳуқуқлари тўғрисидаги конвенциянинг** 35-моддаси 1-бандида “Ҳар бир иштирокчи-давлат Қўмитага Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош котиби орқали ушбу Конвенция бўйича ўз мажбуриятларини бажариш учун кўрилган чоралар ва бу борада тегишли иштирокчи-давлат учун ушбу Конвенция кучга киргандан кейин икки йил давомида эришилган ютуқлар тўғрисида кенг қамровли маърузаларни тақдим этади”, деб мустаҳкамланган.

Дастлабки маърузадан сўнг, иштирокчи-давлат кейинги маърузаларни камида тўрт йилда, шунингдек Қўмита талабига кўра тақдим қилиши керак. Кейинги маъруза

кўпинча даврий маъруза деб номланади. Кўмита ҳар қандай вақтда тўрт йиллик даврдан ташқари унинг эътиборини талаб қиладиган муайян ҳолатларга жавоб бериш учун ҳисобот сўраш имконига эга бўлди.

Маърузани тақдим этиш даври инсон ҳуқуқлари бўйича ҳар қандай шартномада қабул қилинган жараёнга ўхшайди. Бу даврий эканлигини эсдан чиқармаслик керак. У бир марталик ҳодиса ҳисобланмайди ва у қуйидаги босқичларни ўз ичига олган жараёндир:

- ҳукумат, фуқаролик жамияти ва инсон ҳуқуқлари бўйича миллий институтлар каби бошқа ташкилотлар доирасидаги маслаҳат жараёни асосида маъруза тайёрлаш ва уни тақдим этиш;

- қатор саволларга жавобларни тайёрлаш ва юбориш;
- Кўмита аъзолари билан учрашиш ва улар билан Конвенцияни амалга ошириш бўйича конструктив суҳбат ўтказиш;

- Кўмитанинг фикрлари ва тавсияларини кузатиш.

Бошқа шартномалар билан солиштирганда асосий фарқ шундаки, иштирокчи-давлатларга мазкур Конвенциянинг 4-моддаси 3-бандига мувофиқ иштирокчи-давлатларнинг ушбу Конвенцияни амалга оширишга йўналтирилган қонунчилик ва стратегияни ишлаб чиқиш ва қўллашда ҳамда ногиронларга тааллуқли масалалар бўйича қарор (айниқса, қонунчилик ва стратегиялар тўғрисидаги қарорлар бўйича) қабул қилишнинг бошқа жараёнлари доирасида ногиронлар, жумладан, ногирон болалар билан яқиндан маслаҳатлашишлари ва уларнинг вакиллик органлари орқали уларни фаол жалб қилишлари кераклигини ҳисобга олган ҳолда, маърузани тайёрлаш учун очиқ ва шаффоф жараёни кўриб чиқишлари тавсия этилади. Табиийки, давлатлар учун талаб фақат маърузани тайёрлашда ногиронларнинг иштирокига етарлича эътибор беришдир. Шунга кўра, бу

маърузани тайёрлаш жараёни ҳукуматларнинг эътиборидан четда қолмаслиги керак, аксинча жамиятнинг бошқа соҳаларида ҳам катта қизиқиш уйғотиши керак.

Маърузаларни тайёрлашда давлатлар амал қилиши керак бўлган қуйидаги босқичлар мавжуд, улар:

– маъруза бўйича гуруҳни аниқлаш. Одатда Конвенциянинг 33-моддасига мувофиқ ташкил этилган назорат қилувчи орган ёки мувофиқлаштириш механизми Қўми-тага маъруза тайёрлашда иштирок этади. Тайёргарликнинг дастлабки босқичида назорат қилувчи орган ва/ёки мувофиқлаштириш механизми Конвенцияни амалга оширишда иштирок этаётган вазирликлар ва идораларни белгилаши керак;

– асосий муаммоларни дастлабки кўриб чиқиш. Ҳозирги вақтда маъруза гуруҳи маърузага тегишли бўлган муаммоларни аниқлаш учун Конвенцияни, шунингдек қонунлар, кўрсатмалар ва ҳар қандай тадқиқотлар каби ҳужжатларни ўрганиши керак;

– ҳуқуқий таҳлил ва маълумотларни йиғиш. Ушбу босқичда қонун лойиҳалари, кўрсатмалар ва стратегияларни Конвенцияга қай даражада мувофиқ келишини аниқлаш учун қайта кўриб чиқиш керак. Бундан ташқари, ҳуқуқий таҳлилни ногиронларнинг ҳозирги ҳолатини акс эттирувчи рақамлар ва фактлар билан белгилаш учун тадқиқотлар, сўровлар, статистика ва бошқа материаллар тўпланиши керак;

– маъруза лойиҳасини таҳлил қилиш ва тайёрлаш. Ҳуқуқий таҳлил ва тўпланган маълумотларга асосланиб, дастлабки лойиҳа тайёрланиши мумкин. Тўпланган маълумотлар нафақат такрорланиши, балки уларнинг амалга оширилишини белгилаш ва муаммоларни аниқлаш учун Конвенция қоидаларига нисбатан таҳлил қилиниши керак;

– ҳукумат билан маслаҳатлашиш ва маърузани якунлаш. Маъруза лойиҳаси ҳукуматнинг барча тегишли вакилларининг нуқтаи назарини акс эттириши учун маъруза гуруҳининг аъзоларига кенгроқ етказилиши керак. Ҳукумат, шунингдек мазкур Конвенциянинг 33-моддасига мувофиқ ногиронларнинг Конвенция бажарилишини кузатишда иштирок этишини талаб қиладиган лойиҳани фуқаролик жамиятига тарқатиш йўллари кўриб чиқиши керак.

### **Муқобил маърузалар**

ННТлар томонидан тақдим этилган мустақил маълумотлар “соя” ёки “муқобил” маъруза (БМТ атамаси) деб номланади. Ҳозирги вақтда муқобил маърузалар давлат маърузалари тизимига қўшимча тарзда тақдим этилган қимматли маълумот ҳисобланади.

Инсон ҳуқуқлари бўйича шартномалар, биринчи навбатда, миллий маъруза тизими орқали амалга оширилганлиги сабабли, нодавлат нотижорат ташкилотлари ҳукуматларни ўз фуқаролари ва халқаро ҳамжамият олдида ҳисобдорликка тортиш учун маъруза тақдим этиш механизмини тушуниши ва ундан фойдаланиши муҳим аҳамиятга эга.

БМТнинг шартномавий органларига тақдим этиладиган муқобил маърузада маълумотнинг шакли қанчалик самарали ва аниқ бўлса, ушбу маълумотларнинг БМТ қўмиталари экспертлари учун фойдали бўлиши эҳтимоли шунчалик юқори бўлади.

Шуни ҳам алоҳида таъкидлаш керакки, муқобил маърузалар фақат ишчи тиллардан бирида тақдим этилган тақдирдагина кўриб чиқилади.

Умуман олганда, нодавлат нотижорат ташкилотларининг инсон ҳуқуқлари бўйича маълумотлари миллий маърузада келтирилган маълумотлардан кўра аниқроқ ҳисобланади. Нодавлат нотижорат ташкилотларининг муқобил



маърузалари иштирокчи-давлат билан конструктив мулоқотга кириш сифатида БМТ Қўмитасига зарур қўшимча маълумотларни тақдим этади.

**Инсон ҳуқуқлари соҳасида муқобил маъруза бериш жараёнининг асосий мақсади** маърузаси кўриб чиқиладиган мамлакатда инсон ҳуқуқларига риоя этилишини таъминлашдан иборат.

Муқобил маъруза бошқа давлатларни маъруза тақдим этувчининг мамлакатигаги вазият ҳақида хабардор қилди. Улар, ўз навбатида, маърузада келтирилган маълумотлар асосида тавсиялар ишлаб чиқади. Муқобил маъруза Қўмита аъзоларига иштирокчи-давлатдаги вазиятни яхшилаш бўйича аниқ тавсиялар ишлаб чиқишда ёрдам беради.

Тавсиялар тушунарли ифодаланган ва иложи борида аниқ бўлиши ҳамда мазкур тавсияларни асосий матнда, алоҳида ажратиб кўрсатиш керак.

Муқобил маърузани қуйидаги элементлар асосида тайёрлаш лозим:

**1. Қисқача аннотация** – муқобил маърузанинг энг муҳим қисми ҳисобланади. Унда инсон ҳуқуқларининг энг муҳим бузилишлари ва вазиятни яхшилаш бўйича тавсиялар келтирилади.

Фуқаролик жамияти муқобил маърузасидаги аннотация ва тавсиялар шартномавий органлар аъзолари учун асосий ахборот манбаи ҳисобланади. Бу, эҳтимол, Қўмита аъзоларининг қўпчилиги томонидан ўқиладиган маърузанинг ягона қисми бўлади. Агар тавсиялар асосли тадқиқот фактлари ва мамлакатдаги инсон ҳуқуқлари бузилиши ҳақидаги маълумотларга асосланган ҳамда аниқ тарзда тақдим этилса, БМТнинг шартномавий органи (Қўмита) уларни ўзининг Якуний мулоҳазаларида акс эттириши мумкин. Шунинг учун қатъий ва аниқ тавсиялар ишлаб чиқишга алоҳида эътибор қаратиш лозим.

**2. Кириш** – маърузанинг ушбу қисмида, уни тайёрлаш билан шуғулланадиган ташкилотларни қисқача таништириш, тадқиқотни ўтказиш усуллари (ишхонада ва дала шароитидаги) ҳақида гапириш мумкин.

**3. Асосий қисм** – маърузанинг асосий қисмида маъруза ёзилаётган инсон ҳуқуқлари тўғрисидаги шартнома моддалари хронологиясига риоя қилиш тавсия этилади. Бу ўқувчига қайси шартнома ҳуқуқлари бузилганлигини тушуниш имконини беради ҳамда шартномавий органлар аъзоларига маъруза тузилишига риоя қилиш имконини беради. Агар муқобил маърузадаги маълумотлар давлат томонидан тақдим этилган миллий маърузанинг маълум бир жиҳатларига зид бўлса ёки уни тўлдирадиган бўлса, ушбу ҳолатда миллий маърузанинг тегишли қисмига ҳавола бериш лозим.

Агар давлат ўз маърузасига аниқ бир масалани киритмаган бўлса, фуқаролик жамияти ўзининг муқобил маърузасида мазкур масала нима сабабдан ҳал қилиниши лозимлигини тушунтириши керак. Ушбу ва бошқа масалалар бўйича кейинчалик қўшимча маълумот олиш учун шартномавий орган иштирокчи-давлатга бериши мумкин бўлган аниқ саволлар берилган бўлиши керак.

Муқобил маърузада Давлат томонидан яхшиланган жиҳатларни ҳам эслатиб ўтиш мумкин. Фуқаролик жамияти нафақат муҳим масалаларни ёритибгина қолмай, балки мамлакатда амалга оширилаётган яхшиланлишларни мамнуният билан эътироф этиши ҳукумат ва шартномавий орган ўртасида янада ижобий муҳокамани юзага келтиради.

**4. Манбалар** – муқобил маърузада фойдаланилган барча манбалар аниқ белгиланиши керак. Ҳар бир манба бўйича ҳаволалар саҳифанинг охирида ёки ҳар бир бобнинг ёки бутун ҳужжатнинг охирида кўрсатилиши лозим.

Конвенция талабига кўра, иштирокчи-давлатлар ногиронлиги бўлган шахслар имкониятини ошириш бўйича зарур чораларни кўриши ва бу ҳақда даставвал 2 йил, сўнгра 4 йилда камида 1 марта БМТнинг Конвенция бўйича қўмитасига кенг қамровли маъруза тақдим этиши керак.

Шуни айтиб ўтиш керакки, Ўзбекистон Республикаси БМТ Инсон ҳуқуқлари бўйича кенгашининг аъзоси ҳисобланади. Шу маънода, мамлакатимиз Ногиронлар ҳуқуқлари тўғрисидаги конвенцияни миллий қонунчиликка имплементация қилиш ва ҳуқуқни қўллаш амалиётига татбиқ этиш бўйича Миллий ҳаракатлар режасини тасдиқлашни зиммасига олади. Мамлакатимизнинг БМТнинг тегишли Қўмитасига Конвенциянинг бажарилишига оид дастлабки маърузаси 2023 йил 28 июлга қадар тақдим этилиши кўзда тутилган.



ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИ БЎЙИЧА  
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МИЛЛИЙ МАРКАЗИ

## НОГИРОНЛИГИ БЎЛГАН ШАХСЛАР ҲУҚУҚЛАРИ

Нашр учун масъул  
Муҳаррир  
Техник муҳаррир  
Компьютерда  
саҳифаловчи

М. Тиллабоев  
Л. Рузикулова  
М. Пальнова  
А. Жуманиязов

Чоп этишга 2023 йил 27 апрелда рухсат этилди.  
Бичими 84x108  $\frac{1}{32}$ . «PT Serif» гарнитурасида  
офсет усулда босилди.  
Шартли босма табағи 4,3. Нашр табағи 1,4. Адади 100 нусха.  
Буюртма № 5.

Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий марказида  
чоп этилди. 100029, Тошкент, Ислон Каримов кўчаси, 15.